O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№4 (657) 2023 йил 20 январь, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor   t.me/uzbunyodkor   info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 19 январь куни энергия таъминотини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди ҳамда гидроэнергетика тармоғидаги режалар тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизда энергетика тизимини ривожлантиришда барча манбалардан фойдаланилмоқда. Мавжуд қувватларни мустаҳкамлаш билан бирга қуёш, шамол ва гидроэлектр иншоотлари барпо этилмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда гидроэнергетика йўналишида 500 миллион долларлик 27 та лойиҳа амалга оширилиб, қўшимча 260 мегаваттли қувватлар яратилди. "Ўзбекгидроэнерго" тизимидаги станцияларнинг умумий қуввати 2 минг мегаваттдан ошди. Бу – йилига 2 миллиард куб метр табиий газ тежалмоқда, дегани.

Жорий йилда 197 мегаваттли 7 та лойиҳа ва 10 та микро гидроэлектр станция ишга туширилиши режалаштирилган. Яна 438 мегаваттли 8 та истиқболли лойиҳа ва 50 та микро ГЭС қуриш бўйича ишлар бошланади.

Давлатимиз раҳбари гидроэнергетикада салоҳият юқорилигини таъкидлаб, қувватларни кескин ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бу борада микро гидроэлектр станциялар қуриш мумкин бўлган 250 та майдон аниқланган. Ҳисоб-китобларга кўра, келгусида бу иншоотларда йилига 675 миллион киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқариб, 200 миллион куб метр газни тежаш мумкин.

Микро ГЭСлардан электр энергиясини юқори нархларда сотиб олиш йўлга қўйилгач, соҳага тадбиркорлар қизиқиши ортди.

Гидроэнергетика иншоотлари атрофидаги бўш майдонларда шамол ва қуёшга мослашган гибрид станциялар қуриш бўйича топшириқ берилди. У ерларда тайёр инфратузилма борлиги ҳисобига харажатлар кам бўлади.

Давлатимиз раҳбари соҳада маҳаллийлаштириш масаласига ҳам тўхталди. "Сувсаноатмаш" акциядорлик жамиятида микро ГЭС ускуналари, Тошкент вилоятида гидроагрегатлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқ берилди.

Сув омборларини бошқаришни рақамлаштириш, кадрлар малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда аҳолини энергия билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Президентимиз мавжуд барча захираларни ишга солиш, янги ва истиқболдаги лойиҳаларни муддатидан кечиктирмаган ҳолда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Энергия танқислиги шароитида кунлик ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ресурсларни адолатли ва самарали тақсимлаб, жойларга изчил етказиб бериш, узилишларни тезкор бартараф этиш вазифалари белгиланди.

**ЎзА.**

## ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҒИ АМАЛДА

# Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш қулай ва тежамкор

**Дунёда иқтисодиётнинг турли соҳаларида муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланилади. Юртимизда ҳам энергия тежамкорлигини ошириш, қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда.**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қуёш иссиқлик энергиясидан фойдаланиш табиий газни ишлатишни 60 фоизгача камайтирар экан.

Юртимизда ҳукм сурган бир ҳафталик аномал совуқ об-ҳаво энергетика тизимида ҳали-ҳануз муаммолар борлигини, айниқса, аҳолини электр энергияси билан таъминлашда етишмовчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Бу муқобил энергия манбаларидан унумли фойдаланиш, ҳудудларда қуёш ва шамол ёрдамида қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини қуришни янада тезлаштириш лозимлигини билдиради.

Давлатимиз раҳбари 2022 йилнинг 25 ноябрь куни Навоий вилоятига ташрифи доирасида вилоятни республиканинг намунавий ҳудудига айлантириш бўйича янги ташаббусларни илгари суриб, вилоят электр энергиясини тежаш бўйича намуна бўлишини таъкидлаган эди. Бунинг учун вилоятдаги барча ташкилотларга 100 фоиз қуёш панеллари ўрнатиш белгиланди.

Вилоятда 2022 йил 36 та объектда 900 кВтли қуёш панеллари, 136 дона 136 минг литр ҳажмдаги қуёш сув иситиш қурилмаси жорий қилиш режалаштирилган эди.

– 2022 йилда 168 та объектда 2 093 кВтли қуёш панеллари ва 52 та объектга 4 950 литр ҳажмдаги қуёш сув иситиш қурилмалари ўрнатилди, – деди "Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамиятининг электр энергия оқимини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш бўлими муҳандиси Нарзибек Хаитов. – Бугунги кунда жамиятимиз маъмурий биноси ва таркибидаги электр таъминоти корхоналари биноларига 105 кВт қувват ишлаб чиқаришга мўлжалланган қуёш панели ўрнатилиб, корхона эҳтиёжлари учун сарфланадиган электр энергияси миқдорининг қарийб 35 фоизини қопламоқда. Бу бир йилда ўртача 300 минг кВт/соат электр энергияси тежалади, деганидир. Шунингдек, жамият таркибидаги корхоналарга 1 540 литр ҳажмдаги қуёш сув иситиш қурилмаси ўрнатилган.

Вилоятда биринчилардан бўлиб, Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси, барча ҳудудий давлат солиқ инспекцияларининг маъмурий биноларига 170 кВт/соат қуёш электр панеллари ўрнатилди.

– Бошқарма маъмурий биносига ўрнатилган 40 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга қуёш панеллари ёрдамида бир ойда 7500 кВт электр энергияси олинмоқда, – деди Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси бош ҳисобчиси Фазлиддин Умаров. – Шундан бошқарма эҳтиёжига 4800 кВт сарфланади. Қолган 2700 кВт ток электр тармоқлари корхонасига сотилади. Энг асосийси, эндиликда электр энергияси учун бюджетдан сарфланган маблағлар тежаб қолиниб, даромад олишга ҳам эришилмоқда. Шунингдек, туман, шаҳар давлат солиқ инспекциялари маъмурий биноларида 20 кВт/соат қувватдаги қуёш панеллари ўрнатилган.

▶ 2-бет

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА

## янги уй-жойлар калити топширилди









Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида барпо этилган 3 та етти қаватли уй-жой ўз эгаларига топширилди.**

Муддатли имтиёзли ипотека кредити асосидаги мазкур уй-жойлар Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳамда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари учун қурилди.

Янги хонадон калитларини ҳарбийлар оиласига топшириш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Аманбай Оринбаев, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, ҳудудий куч тузилмалари ҳамда Нукус ҳарбий прокуратураси раҳбарияти, ҳарбий хизматчилар оилалари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоиз, 28 хонадонли иккита ва 42 хонадондан иборат битта 7 қаватли 2 ва 3 хонадан иборат бўлган шинам, барча қулайликларга эга янги уйлар юртнинг асл ўғлонлари – Ватан ҳимоячиларига ўзгача туҳфа бўлди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда ҳарбийлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор хусусида сўз юритиб, янги хонадон эгаларига оилавий бахт ва қут-барака тилади.

# ҚИШ ЧИЛЛАСИДАГИ АЁЗЛИ КУНЛАР ОЛИБ КЕЛГАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

## унинг талафотларини бартараф этишда пойтахтда олиб борилаётган ишлар қай даражада?

**Райҳона ХЎЖАЕВА, Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбирлари.

**Хабарингиз бор, бу йилги қиш чилласидаги аномал совуқ газ қувурларида газ босимининг кескин пасайиши ва аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ва корхоналарда энергетик юкламанинг ортишига олиб келмоқда. Табиийки, бу вазият аҳоли учун коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Шу маънода, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолини қийнаётган муаммолар ҳамда фавқулодда ҳолат давомида учраши мумкин бўлган авариявий вазиятларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Тошкент шаҳри туманларида бошқарув сервис компаниялари, ширкатлар фаолиятига кўмаклашиш бўйича тезкор "авария-бригадалар" тузилди.**

Дастлаб, қиш мавсумида Тошкент шаҳри аҳолисини қийнаётган муаммоларни қабул қилиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тезкор ишчи гуруҳлар шакллантирилди. Соҳа ва ҳудудлар бўйича вазир ўринбосарлари бошчилигида 120 дан ортиқ ходим туманларга бириктирилди ҳамда кўп қаватли уйларда иссиқлик, ичимлик, оқова сув, электр ва газ таъминоти тизимларида юзага келган талафотларни бартараф этиш мақсадида 320 та ишчидан иборат 9 та тезкор авария таъмирлаш-тиклаш гуруҳлари ташкил этилди. Бу ишларни самарали ташкил этиш мақсадида жами 59 та махсус техника жалб қилинди.

Шунингдек, вазирликда аҳоли мурожаатларини қабул қилиш, масъул ижрочиларга етказиш ва бажарилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича 24 соатлик диспетчерлик штабининг фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳозиргача берилган маълумотларга кўра, ишчи гуруҳлар томонидан пойтахтимиздаги 611 та кўп квартирали уй ҳамда 3 та ижтимоий соҳа объектида электр таъминоти тикланди. 124 та кўп квартирали уйда иссиқлик тармоғи таъмирланиб, 121 та кўп квартирали уйга борувчи 14 500 п/м электр кабеллари янгисига алмаштирилди. 79 та кўп квартирали уйнинг ертўла қисмидаги қувурлар, 15 та уйнинг лифт ускуналари таъмирланди ҳамда 293 та кириш йўлакларидаги эшикларга автоматик ёпиш ускунаси (доводчик) ўрнатилди. 95 та электр шит, 3 та трансформатор ускуналари янгисига алмаштирилиб, 22 таси таъмирланди.

Ҳозирда ишлар жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Хусусан, пойтахтимиздаги энг муаммоли ҳисобланган туманларда ҳам тезкор штаблар ташкил этилиб, унга вазир ўринбосарлари масъул этиб белгиланди. Шу билан бирга, вазирликнинг юзлаб ходимлари мазкур жараённи бориши, муаммоларни аниқлаш ва тегишлилиги бўйича йўналтиришга сафарбар этилди.

Шунингдек, кўп қаватли уйлар атрофи ва кириш йўлакларини қор ва муз қопламаларидан тозалаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Мазкур ишларга жорий йил 11 – 17 январь кунлари республикадаги бошқарув ташкилотлари томонидан 16 247 нафар ишчи-ходим жалб қилиниб, кўп квартирали уйларнинг 90 мингга яқин кириш йўлаклари қор ва муздан тозаланди. 4 813 та уйнинг том ва соябонларидаги сумалаклар олиб ташланди. Кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларда қор ёғиши натижасида синган 2 196 та дарахт тартибга келтирилди. Тошкент шаҳри аҳолисини қийнаётган муаммоларни қабул қилиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган тезкор ишчи гуруҳлар туну кун аҳоли хизматида.

Муаммоси тез фурсатларда ҳал бўлаётган аҳоли эса ишчи гуруҳ фаолиятидан миннатдор. Куч-бирликда, деганларидек ҳамжиҳатликда ташкил этилган тадбирлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Ишчи-ходимларнинг кечаю кундуз тиним билмай ишлаши натижасида бугунга келиб барча туманларда вазият ижобий томонга ўзгара бошлади.

▶ 3-бет

## ДИҚҚАТ!

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИҚЁСИДАГИ ТЕЗКОР ШТАБИДА

**24/7**

ИШ РЕЖИМИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ ИШГА ТУШДИ.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҚАЙСИ ҲУДУДИДА БЎЛИШИНГИЗДАН ҚАТЪИ НАЗАР СОҲАГА ОИД МУРОЖААТЛАРИНГИЗ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ РАҚАМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

**71-210-11-02.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№4 (657) 2023 йил 20 январь

# Қурилиш ташкилотлари сони кўпаймоқда



**Олтинчи йилдирки, Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида бошқа соҳаларга ҳамоҳанг равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг ҳудудларида, ҳаттоки, овул ҳамда олис қишлоқларда ҳам кўп қаватли турар жойлар бунёд қилиниб, бу эҳтиёж қондириляпти.**

Қурилиш соҳасида банд бўлганлар фаолияти қонунлар билан мустаҳкам кафолатлангани, маҳаллий хомашёлар захираларидан кенг фойдаланиб, қурилиш материаллари ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани туфайли, айтайлик, ўн йил муқаддам бармоқ билан санарли корхона ва ташкилотлар айрим кўринишдаги қурилишларни қуришган бўлса, эндиликда уларнинг сони ва иш кўлами бир неча мингтага етганини кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигидан олинган маълумотга кўра, жорий йилнинг шу кунларида ҳудудлар кесимида 46 минг 971 та қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Бу рақамлар вилоятлар кесимида қуйидагича: пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 9 634 та, Тошкент вилоятида 4 122 та, Фарғонада 3 968 та, Самарқандда 3 559 та, Қашқадарёда 3 497 та, Андижонда 3 378 та, Сурхондарёда 3 047 та, Бухорода 3 004 та, Қорақалпоғистон Республикасида 2 501 та, Наманганда 2 454 та, Жиззахда 2 205 та, Хоразмда 2 176 та, Навоийда 1 771 та ҳамда Сирдарё вилоятида 1 655 та қурилиш корхоналари халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш йўлида турли объектларда бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

# Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш қулай ва тежамкор

◀ 1-бет

Бундан ташқари, “Обод қишлоқ” ва Обод маҳалла” дастурлари асосида олиб борилаётган ишлар давомида маҳалла кўчаларини куннинг қоронғу вақтида ёритиш мақсадида 450 дона жами қуввати 90 кВтли қуёш панелида ишловчи ёритгичлар ўрнатилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ҳар ойда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан йилига эса ўртача 260 минг.кВт/соат электр энергияни иқтисод қилишга эришилмоқда.

– Зарафшон шаҳрида “Аёллар дафтари”да бўлган 5 оилага энергия тежовчи 200 литр ҳажмдаги қуёш сув иситиш коллекторлари ўрнатиб берилди, – деди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Зарафшон шаҳар бўлинмаси бошлиғи Дилшод Ҳусенов ЎзА мухбири Абдували Бўриевга. – Жумладан, “Юлдуз” МФЙ да 1 та, “Янги Зарафшон” МФЙ ва “Довгизтов” МФЙ да 2 тадан хонадонга қуёш сув иситиш мосламаси ўрнатиш ишлари охирига етказилди. Бунинг учун халқ депутатлари Зарафшон шаҳар Кенгаши қарори асосида “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан 40 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамизда 2021 йил август ойида Кармана туманида қуввати 100 МВт бўлган илк қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилган эди.

Бундан ташқари, Томди туманида Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси томонидан қуввати 500 мегаваттли шамол электр станцияси қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 22 декабрдаги қарори ижроси асосида амалга оширилаётган ушбу йирик лойиҳанинг умумий қиймати 600 миллион долларни ташкил этади. 2024 йил якунига қадар ишга туширилиши режалаштирилган мазкур электр станция орқали йилига 1 миллиард 800 миллион киловатт соат электр энергия ишлаб чиқарилади.

Президентимиз раислигида 2022 йилнинг 10 июнь куни қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир ўрнатилган қуёш ва шамол электр ускунаси учун, қувватига қараб, 15 миллион сўмгача, сув иситиш қурилмаси учун эса 2 миллион сўмгача компенсация тўланиши ёки ускуна қийматини 3 йил ичида фоизсиз, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилиши таъкидланган эди.

Бундан ташқари, қурилмаларни ўрнатган ва тўлиқ ушбу қурилмадан хонадонни электр энергияси билан таъминлаган жисмоний шахслар 3 йил, тадбиркорлик субъектлари эса 10 йил давомида ер ва мулк солиғи тўламайди.

Шунингдек, 2024 йил 1 январга қадар қайта тикланувчи энергия манбаларини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан импорт қилинадиган асбоб-ускуналар, техника, хомашё, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материаллар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилган.

Албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, ўзгаришлар инсонларни рози қилиш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**НАМАНГАНДАН ДАРАКЛАР**

# Саноатчилар: импортдан экспорт сари

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тўрақўрғон туманида “Кичик саноат зоналарининг экспорт салоҳиятидаги ўрни” мавзусида пресс-тур ташкил этилди.**

Иштирокчиларга айниқса, “Парвоз” кичик саноат зонасидаги ишлар маъқул тушди. Бу ердаги “Айдин текс” оилавий корхонасида қиймати 4 млрд 250 млн сўмлик лойиҳа ишга тушса, 100 та иш ўрни яратилади ва маҳсулотлари хорижга экспорт қилинади.

“Шарқ чарм” хусусий корхонасида эса сунъий теридан эркаклар камарлари тайёрланяпти ва ҳозирда болалар сумкалари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. “Абдусалом равнақи” корхонасида сифатли мебель маҳсулотларини экспортга жўнатишга ҳозирлик қизғин. КСЗдаги бошқа корхоналарда ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ҳамда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

# Дастур доирасидаги шифокорлик пункти

**Чортоқ туманида “Қорабоғ” оилавий шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди.**

У “Обод қишлоқ” дастури доирасида 1 млрд 30 млн сўм эвазига мукаммал таъмирдан чиқарилди. Бу ишни “Нурафшон файз” МЧЖ қурувчилари амалга оширишди. Барча қулайликларга эга муассасадан ҳудуддаги уч мингдан зиёд аҳоли фойдаланиши мумкин.

# Қуёш энергияси ёрдамида

**“Агробанк”нинг Косонсой филиалида қуввати 30 кВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. У бинони кечаю-кундуз тўлиқ электр энергияси билан таъминлайди.**

Ушбу станция Президентимиз раислигида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги топшириқлар ижроси юзасидан амалга оширилди.

# Қайта тикланувчи энергия манбалари – долзарб масала

**Хусанбой АЗИЗОВ,** Наманган вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Наманган вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида ҳудудий инспекцияси ходимлари, инспекторлар, буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида семинар ўтказилди.**



Семинарда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, ушбу манбалар орқали электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотларда энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш бўйича тушунтириш берилди.

Шунингдек, 2023 йилдан 1 январдан бошлаб янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, маданият ва туризм, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш объектлари, спорт комплекслари, локал иситиш иссиқлик тизимига уланадиган кўп хонадонли уй-жойлар, “Янги Ўзбекистон” массивлари, умумий майдони 1 минг квадрат метрдан катта бўлган барча савдо-кўнгилочар марказларининг бино-иншоотларини лойиҳалаштириш ва ишга туширишда иссиқ сув истеъмоли ҳажмининг камида 25 фоизи ушбу объектларда ўрнатиладиган қуёш сув иситиш қурилмалари орқали қопланишини таъминлаш бўйича батафсил маълумот берилди.

“Энергия самарадорлик” қисмида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш кўзда тутилмаган лойиҳа ҳужжатлари бўйича қурилиш ишларини бошлаш ҳамда иссиқ сувдан фойдаланиш режалаштирилган янги бино-иншоотларда қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатиш кўзда тутилмаган тақдирда бундай бино-иншоотларни фойдаланишга қабул қилинмаслиги таъкидланди.

Бундан ташқари, қарорга кўра, ижтимоий соҳа объектлари, бошқа бюджет ташкилотлари раҳбарлари, масъул ходимлари фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини (KPI) баҳолаш тизимида энергия тежовчи ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ишлари алоҳида инобатга олиниши ҳамда ушбу кўрсаткичлар бажарилишига кўра уларни рағбатлантириш чоралари кўрилиши белгиланган.

Қолаверса, эндиликда Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси республика бўйича қурилаётган янги объектларда қуёш сув иситиш қурилмалари ўрнатилиши юзасидан ўз ваколатлари доирасида тизимли назорат ўрнатилиши ҳам семинар иштирокчиларига тушунтирилди.

# Ташаббус ва тажрибалар оммалашса, эл-юртга наф келтиради

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Халқимизда, “ташаббус ва тажрибалар оммалашса, эл-юртга наф келтиради”, деган гап бекорга айтилмаган. Наманганликлар ана шу пурҳикматга амал қилиб Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманида ўз тажрибаларини қўллаш орқали маҳаллий аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишни мақсад қилишганига ҳам ҳадемай бир йил бўлади.**

Ўтган давр оралиғида улар ҳудудни ривожлантириш учун энг аввало, 35 банддан иборат “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишди. Шунга биноан дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 1 триллион сўм, шундан маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан 21,3 миллиард сўм, ирригация ва мелиорация тадбирлари учун ташаббускорлар маблағидан 164,8 миллиард сўм, ҳомийлик маблағларидан эса 2,5 миллиард сўм, банк кредити ҳамда ўз маблағи ҳисобидан 815,5 миллиард сўм йўналтириш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Амалий ишларга жиддий киришилгани натижасида белгиланган вазифадан 29 тасининг ижроси таъминланди, қолганларида эса йилдан-йилга ўтувчи ишлар олиб бориляпти. Хусусан, қисқа даврда “Қуралпа” овул фуқаролар йиғинида 14,1 километр ички йўл таъмирланди, “Қораўзак” ва “Маданият” овул фуқаролар йиғинларида пиёдалар учун махсус йўлак қилинди. Шулар баробарида, “Ғарезсизлик гузари” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи кам таъминланган ва ўзгалар эътиборига муҳтож оилаларнинг уй-жойлари таъмирланиб, ҳудуддаги 10 148 гектар ер майдонларини фойдаланишга киритиш ишлари амалга оширилди.

Туман асосан қишлоқ хўжалиги соҳасига кенг ихтисослашган. Бироқ сўнгги даврда сурункали қурғоқчиликлар туфайли кўпгина экин майдонлари издан чиққани сабабли наманганлик тадбиркорлар томонидан 7 та лойиҳа ишлаб чиқаришга жорий этилгани шарофати билан 1 000 гектардан ортиқ ер майдони ўзлаштирилди ва у ерда 48 километр ирригация-мелиорация тармоғи реконструкция қилиниб, маданийлаштирилди.

Ташаббускорларнинг асосий эътибори туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринларини яратишга қаратилганини алоҳида эътироф қилиш лозим. Ана шу мақсадда умумий қиймати 727,9 миллиард сўмдан иборат 24 та манзилли лойиҳаларнинг амалда татбиқ этилгани натижасида 1 230 нафар кишининг доимий бандлиги таъминланди. Амалга оширилаётган бу сингари ишлар туфайли Наманган вилоятига бириктирилган 13 та шаҳарча ва овул фуқаролар йиғинларининг қиёфаси бирмунча ўзгарганини кўриш мумкин. Айни пайтда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли бандлигини таъминлаш, кам даромадли оилалар, ногиронлиги бўлган кишиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг кўламли ишлар изчил давом этмоқда. Яқинда Президент Администрациясининг топшириғи билан қиймати 2,1 миллиард сўмлик турли ўлчамдаги сув сақлагичлар, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотлари ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларига бепул етказиб берилди.

Ёшларни иш билан таъминлаш, айниқса, уйда ўтириб қолган хотин-қизларнинг турмуш тарзини яхшилаш масаласи ҳам наманганликларнинг эътиборида бўляпти. Бу бўйича кейинги йиллари Наманганда енгил саноат соҳаси кенг ривожлангани ҳисобга олиниб, Қораўзак туманида уни татбиқ этиш учун имкониятлар борлиги тадбиркорларни қизиқтириб қўйди. Шу масала юзасидан маҳаллий раҳбарлар билан келишилиб, тумандаги агроиқтисодиёт коллежининг анча вақтдан буён бўш турган биноси ўрнида умумий қиймати 4,3 миллиард сўмлик “Namangan-Qorao‘zak tekstil” масъулияти чекланган жамияти тикувчилик корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Замонавий ишлаб чиқариш корхонаси фаолият бошлаши билан уйда ишсиз ўтирган юздан ортиқ хотин-қизлар қисқа курсларда ўқитилиб, муқим иш ўрнига эга бўлишди. Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган дастгоҳларнинг қулайлиги эса меҳнат унумдорлигини ошириш баробарида бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга имкон беряпти.

Бир сўз билан айтганда, наманганлик тадбиркорлар, шунингдек, маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар натижасида Қораўзак тумани қиёфаси, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, аҳолининг турмуш тарзи тубдан ўзгармоқда.

# Чала иш – келтирар ташвиш

**Самандар ПАРДАБОЕВ,** ЎзДЖТУ талабаси.

**Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда Уй-жой фонди инспекцияси томонидан тадбиркорлик субъектлари иштирокида қурилиши якунлангани боис фойдаланишга қабул қилинишини сўраб электрон тарзда юборилган аризалар ҳолати ўрганиб чиқилди.**

Самарқанд вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан ўрганишлар натижасида Нарпай тумани, Иқбол Муҳсин номли маҳаллада қурилган 5 қаватли ва Самарқанд шаҳар, Фирдавсий кўчасида барпо этилган 7 қаватли турар жой биноларига қонунга зид равишда ижобий хулоса берилганлик аниқланди. Мазкур масала якунланган йил охирида вилоят ҳокимлиги, сектор раҳбарлари ҳамда қурилиш соҳаси мутасаддилари томонидан ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Унга кўра, Нарпай туманида пудратчи “Inter Group Narpay” МЧЖ томонидан қурилган кўп қаватли уйнинг қурилиши белгиланган муддатидан ўтган бўлса-да, кўпгина ишлар якунланмаган. Хусусан, бинонинг ташқи ва ички деворларини пардозлаш, эшик-ромларга ойна ўрнатиш, ҳудудни ободонлаштириш ишлари бажарилмаган. Сантехника, электр, газ, иситиш тизимлари жиҳозларини ўрнатиш, пол ишлари, зинапоялар қурилиши ҳамда оқова сув хандағини қуриш ҳам тугалланмаган.

Шунингдек, пудратчи “Sherzod Building System” МЧЖ томонидан эса Самарқанд шаҳрида шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда тегишли ташкилотларнинг кўрсатмалари бажарилмаган ҳолда ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда 5 ва 7 қаватли турар жой биноси қурилган. Мутасаддиларнинг айтишларича, бу камчиликлар учун 2 нафар ходим эгаллаб турган вазифасидан озод этилган ва бундай ҳолатларга йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда. Ушбу масала вилоят прокуратураси томонидан назоратга олиниб, ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилади.

# ҚИШ ЧИЛЛАСИДАГИ АЁЗЛИ КУНЛАР ОЛИБ КЕЛГАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

## унинг талафотларини бартараф этишда пойтахтда олиб борилаётган ишлар қай даражада?

◀ 1-бет

### ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ



Чилонзор туманида 109 та кўп квартирали уйнинг 55 та электр шитлари, 10 та рубильник, 25 та автомат ҳамда 78 та уйнинг 3 000 п/мдан ортиқ кабеллари янгиланиб, электр таъминоти тикланди. Шунингдек, 35 та кўп квартирали уйнинг иссиқлик ва 18 та кўп квартирали уйнинг ертўла қисмидаги 1 600 п/м муҳандислик тармоқлари таъмирланди. 52 та кириш йўлакларидаги эшикларга автоматик ёпиш ускунаси (доводчиклар) ўрнатилди. 21 та электр шит, 1 та трансформатор ускунаси янгисига алмаштирилди. 150 та кўп квартирали уйларнинг 24 900 квадрат метр йўлаклари муз қопламаларидан тозаланди.

Туманда ўрганиш ишлари давом этмоқда. Хусусан, штаб аъзолари “Чилонзор” 5-иссиқлик марказининг фаолияти билан ҳам танишдилар. Қозонхона 921 та кўп қаватли уй ва 100 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик қуввати етказиб беради. Ўрганишлар давомида иссиқликни узатишдаги йўқотишларни бартараф этиш борасида кўрилаётган чоралар муҳокама қилинди. Маълум бўлишича, газ босими секин-аста кўтарилмоқда. Демак, иситиш тизимида ижобий ўзгаришлар бўлади.

### УЧТЕПА ТУМАНИ



Ҳозирга қадар Учтепа туманида 57 та кўп квартирали уйнинг электр таъминоти тикланди, 13 та кўп квартирали уйда иссиқлик тармоғи, 5 та кўп квартирали уйнинг ертўла қисмидаги қувурлар, 15 та электр шит, 1 та трансформатор ускунаси таъмирланди. 16 та кўп квартирали уйларга борувчи 1 580 п/м электр кабеллар янгисига алмаштирилди. 24 та кириш йўлакларидаги эшикларга автомат ёпиш ускунаси ўрнатилди. 53 та кўп квартирали уйларнинг 12 700 квадрат метр йўлаклари муз қопламаларидан тозаланди.

– Ҳудудни муз ва қор қопламаларидан тозалаш ва энергияни максимал даражада сақлаш бўйича барча бир ёқадан бош чиқариши зарур. Ҳозир ҳар биримизнинг биринчи навбатдаги мақсадимиз – муаммолардан аҳолини халос қилиш, уларнинг кечани хотиржамликда, иссиқ уйда ўтказишларига реал ёрдам бериш, – деди Учтепа туманида ўрганиш ишларини олиб бораётган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Жалол Арашов.

Штаб ишчиларининг туну кун қилаётган хизматлари туфайли тумандаги маҳаллаларда энергия таъминоти билан боғлиқ муаммолар бирин-кетин бартараф этилмоқда. Ўрганишлар давомида Учтепа туманида жойлашган ҳовли жойлар ҳам Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари эътиборидан четда қолмади. Туманнинг “Ўрикзор” ва “Кўксарой” МФЙларида 3 суткадан буён электр таъминотида узилишлар бўлгани аниқланди. Жалол Арашов томонидан ҳудудлардаги носозликларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида қўшимча техника воситалари ва мутахассислар жалб этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Қисқа вақт ичида белгиланган манзилга етиб келган қўшимча ишчи кучи томонидан ер остидан узилган электр кабеллари соз ҳолатга келтирилди.

Шунингдек, йўлакларга кириш эшикларини ёпиқ ҳолатда сақлаш бўйича аҳоли билан тушунтириш ишларини олиб бориш ва бирин-кетинликда уйларга кириш эшикларига автомат тарзда ёпилувчи механизмларни ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳудудга электр таъминотидаги узилишлар манбаини аниқловчи лаборатория гуруҳи, махсус техника воситалари ҳамда қўшимча ишчи кучи жалб этилиб, мутахассислар томонидан таъмирлаш ишлари олиб борилди. Аниқ мақсад, тезкор ёндашув сабаб бир қанча уйларда электр таъминоти тикланди. Муҳими, мазкур жараёнда тезкор штаб мутахассислари билан бирга аҳоли вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Тумандаги айрим хонадонларга иссиқлик манбаини ушлаб турувчи материаллар етказилди. Хусусан, 13-мавзедаги хонадонлар радиаторлари ортига синтифон материали қўйиб чиқилмоқда. Бу билан иссиқлик самарадорлигини нисбатан ошириш мумкин.

Тезкор гуруҳга келиб тушган мурожаат асосида вазир ўринбосари Жалол Арашов бошчилигида Учтепа туманидаги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 3-талабалар турар жойида 3 кун давом этган электр энергиясидаги узилиш тикланди

### МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ




Мирзо Улуғбек туманининг Феруза мавзесида 2 та кўп квартирали уйнинг 12 та кириш йўлагидаги эшикларга махсус ускуналар ўрнатилди. Ҳудудда темир эшикларни ўрнатиш ишлари ҳам олиб бориляпти. Электр таъминоти бўйича 8 та носоз электр шит ва трансформатор ускунаси таъмирланди. Шунингдек, Геофизика мавзесида қозонхона иш фаолияти тикланди. Натижада 18 та кўп квартирали уй иссиқлик билан таъминланди.

Ҳумоюн мавзесида 1- ва 2-қозонхоналар иш фаолияти тикланди ва натижада 38 та кўп қаватли уй ҳамда 3 та ижтимоий объект иссиқлик билан таъминланди. “Тараққиёт” МФЙда 2 та хонадоннинг иссиқлик тизимлари йўлга қўйилди. Қорасув мавзесидаги кўп квартирали уйларнинг ертўла қисмидаги иссиқлик қувурларидаги носоз қувурлар янгисига алмаштирилди. Музлаб қолган сув қувурлари эритилиб, соз ҳолатга келтирилди.

Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек кўчасидаги 111-уйнинг иссиқлик тизими яхшиланди ҳамда Лашкарлар кўчасидаги 6 та кўп квартирали уйларнинг аҳолиси томонидан газ ва иссиқлик таъминоти бўйича қилинган мурожаати юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева Феруза мавзесида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

– Ушбу синовли кунларда қилаётган беминнат хизматингиз бесамар кетмаяпти. Аҳолининг муаммолари бартараф этилмоқда. Бунда жараёнга жалб этилган бошқа ташкилотларнинг ҳам ўрни беқиёс, – дея вазир ўринбосари ишчи-ходимларга миннатдорлик билдирди.

### ЮНУСОБОД ТУМАНИ



Юнусобод туманидаги Марказ-6 да 5 та уйнинг кириш йўлаклари тозаланди. Марказ-4 да 3 та кўп квартирали уйнинг электр таъминоти тикланди. К. Зарипова кўчасидаги иссиқлик қувурида Д100 14 метр алмаштирилиб, авария бартараф этилди ва иссиқлик тизими тикланди. Ҳудуднинг 7 та массивидаги кўп квартирали уйларни электр қуввати билан таъминлаб берувчи ТП-2460 трансформатор алмаштирилиши натижасида 34 та кўп квартирали уйнинг электр тизими тикланди. Шу билан бирга, 17-мавзедаги насос станциясининг жиҳозлари алмаштирилиб, 71-уйнинг иссиқлик тизими ишга туширилди.

